SIR Publishers
CENTER FOR INTERNATIONAL SCIENTIFIC PUBLICATIONS
JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT
ISSN(Online): 2984-7095
SJIF Impact Factor | (2023): 5.664 |
Volume-7, Issue-10, Published | 20-10-2024 |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА 2022-2023 ЙИЛЛАРДА ЕР ФОНДИ МОНИТОРИНГИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР.

https://doi.org/10.5281/zenodo.14063064

**Сайдалиева Гўзал Абдурашидовна**
*ТИҚХММИ МТУ Мустақил – изланувчи*

**Аннотация**

Бугунги кунда Сурхондарё вилояти бўйича ер ресурсларида бўлаётган ўзгаришлар ҳамда уларга оид маълумотлар, шу жумладан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш ҳозирги вақтда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада маълумотлар ёритилган.

**Калит сўзлар**

ер ресурслари, ердан фойдаланувчилар, фермер хўжаликлари, заҳира ерлар, ер фонди, Миллий ҳисобот.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий худудий чегарасидаги умумий майдони 44892,4 га ни ташкил этади. Ер фонди маълумотларида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра 27148,5 га ёки республика ер фондининг 60,5 фоизини, қишлоқ хўжалиги ер турлари майдони эса 22116,1 минг га майдонни, шундан 3694,9 га суғориладиган ерларни ташкил этади [1].

Сурхондарё вилоятида мавжуд ер фондининг тоифалари ва турларининг тақсимланиши ҳақидаги 2023 йил 1 январга бўлган ер ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг 2022 йил 21 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг 2022 йил 1 январь ҳолатидаги Миллий ҳисоботини тузиш тўғрисида”ги 187-сонли буйруғига асосан Сурхондарё вилояти бошқармасининг 2022 йил 26 октябрдаги 162-сонли буйруғи ишлаб чиқилиб ва шу буйруқ асосида корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларининг ердан фойдаланишларини таҳлил қилиб, ер ажратиш ҳужжатларига асосланиб тузилган.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг умумий ер майдонлари 2022 йил 1 январь ҳолатидаги ер ҳисоботига нисбатан қуйидагича тоифаланади:

JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT
ISSN(Online): 2984-7095
SJIF Impact Factor | (2023): 5.664 |
Volume-7, Issue-10, Published | 20-10-2024 |

| № | Ер тоифалари | Умумий ер майдони | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 1.01.2021 й. | 1.01.2022 й. | Фарқи +,- |
| 1. | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашлиси | | | |
| 2. | Вилоятга қарашлиси | 1259867 | 819664 | - 03 |
| 3. | Бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарга шли ерлар | 84900 | 526617 | +44171 |
| 4. | Қишлоқ хўжалик илмий-текширув муассасалари қув юртлари | 2560 | 2476 | -84 |
| 5. | Ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари | 8851 | 8540 | -311 |
| 6. | Жами қишлоқ хўжалик корхона ва килотларининг фойдаланадиган ерлари | 1356178 | 1357297 | -1119 |
| | Шу жумладан ижарадаги фермер хўжаликлар | 702724 | 418925 | - 99 |
| 7. | Аҳоли яшаш жойлари | 11328 | 11424 | +96 |
| 8. | Саноат, транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа адлар учун белгиланган ерлар | 110145 | 111106 | +961 |
| 9. | Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, еация мақсадларига мўлжалланган ерлар | 194 | 194 | |
| 10. | Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар | 517 | 517 | |
| 11. | Ўрмон фонди ерлари | 325165 | 322989 | -2176 |
| 12. | Гидротехник ва бошқа сув хўжалик иншоотлари ва канал бўйидаги ерлари | 24020 | 24020 | |
| 13. | Захира ерлар | 182364 | 182364 | |
| | **ЖАМИ:** | **2009911** | **2009911** | **-** |

Вилоятга қарашли ерлардан бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарга, саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқаларга, аҳоли яшаш жойларига қарашли ерларга 440203 гектар берилиши, ўрмон фонди ерларидан 1797 гектар ҳамда Саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерлардан 2 гектар келиши ҳисобига умумий ер майдони 819664 гектарни ташкил этган. Бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарга қарашли ерлардан саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларга 2 гектар ўтказилиши ва вилоятга қарашли ерлардан 441717 гектарга кўпайиши ҳисобига 441717 гектарга ошиб, умумий ер майдони 526617 гектарни ташкил этган.

Қишлоқ хўжалик илмий-текширув муассасалари ва ўқув юртларида вилоятга қарашли ерлардан 10 гектар қўшилиши ва вилоятга қарашли ерларда 90 гектарга камайиши ҳисобига 84 гектарга ўзгариб, умумий ер майдони 2476 гектарни ташкил этган. Ёрдамчи қишлоқ хўжалик

JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT
ISSN(Online): 2984-7095
SJIF Impact Factor | (2023): 5.664 |
Volume-7, Issue-10, Published | 20-10-2024 |

корхоналаридан вилоятга қарашли ерларга 307 гектар ва саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларга 4 гектарга камайиши ҳисобига 311 гектарга ўзгариб, умумий ер майдони 8540 гектарни ташкил этган.

Аҳоли яшаш жойларига вилоятга қарашли ерлардан 98 гектар қўшилиши ва саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларга 2 гектар камайиши ҳисобига 96 гектарга кўпайиб, умумий ер майдони 11424 гектарни ташкил этган.

Саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларда вилоятга қарашли ерлардан 491 гектар, бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарга қарашли ерлардан 2 гектар, ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналаридан 4 гектар, аҳоли яшаш жойларидан 2 гектар, ўрмон фонди ердаридан 464 гектар қўшилиши ва вилоятга қарашли ерларда 2 гектарга камайиши ҳисобига 961 гектарга кўпайиб, умумий ер майдони 111106 гектарни ташкил этган. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг умумий ер майдони 194 гектарни ташкил этган. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларнинг умумий ер майдони 517 гектарни ташкил этган. Ўрмон фонди ерларида вилоятга қарашли ерлардан 85 гектар қўшилиши, вилоятга қарашли ерларда 1797 гектар ва саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларидан 464 гектарга камайиши ҳисобига 2176 гектарга ўзгариб, умумий ер майдони 322989 гектарни ташкил этади.

Гидротехник ва бошқа сув хўжалик иншоотлари ҳамда канал бўйидаги ерлари саноат транспорт, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерлар умумий ер майдони 24020 гектарни ташкил этган. Заҳира ерлар саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерлар умумий ер майдони 182364 гектарни ташкил этилганини кузатишимиз мумкин. Шу ерлар (гектар ҳисобида)

| | Қишлоқ хўжалик ер турлари | Умумий ер майдони | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 1.01.2021 й. | 1.01.2022 й. | Фарқи +,- |
| 1. | Экин ерлар – жами | 278124 | 277908 | -216 |
| | шундан: суғориладиган | 238632 | 238425 | -207 |
| 2. | Кўп йиллик дарахтзорлар – жами | 34215 | 34215 | |
| | шундан: суғориладиган | 32796 | 32796 | |
| 3. | Бўз ерлар – жами | 292 | 292 | |
| 4. | Пичанзорлар – жами | - | - | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 5. | Яйловлар – жами | 825786 | 825204 | -582 |
| 6. | Жами қишлоқ хўжалик ерлари | 1138417 | 1137619 | -798 |
| | шундан: суғориладиган | 271428 | 271221 | -207 |

Экин ерлардан қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжларга 143 гектар ва аҳоли яшаш жойларга 73 гектар кетиши ҳисобига умумий ер майдони 216 гектарга камайган ва шундан суғориладиган экин ерлардан қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжларга 134 гектар ва аҳоли яшаш жойларга 73 гектар кетиши ҳисобига умумий ер майдони 207 гектарга камайган. Кўп йиллик дарахтзорларда ўзгаришсиз қолган.

Яйловлар аҳоли яшаш жойларга 25 гектар, саноат, транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерларга 559 гектар ажратилиши ва 2 гектар келиши ҳисобига  582 гектарга камайган. Жами қишлоқ хўжалик ерлари 768 гектарга ва шундан сувли ерлардан 207 гектар кетиши ҳисобига камайган.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги ПҚ-5228-сонли,  Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 04 ноябрдаги ПҚ-5278-сонли қарорларига, Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32 фармойишига ва вилоят ҳокимининг қарорларига асосан экин ерлар ва яйловлар камайган.

Сурхондарё вилоятида 168 та массивлар бўлиб, улар ҳудудларида 6114 та ижарадаги фермер хўжаликлари, 490 та бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарга тегишли ерлар, 22 та қишлоқ хўжалик илмий-текширув муассасалари ҳамда ўқув юртлари ва 63 та ёрдамчи хўжалик корхоналари мавжуд бўлиб, уларда 1357361 гектар ердан фойдаланилади, шундан: 276032 гектари экин ерлар, 33130 гектари кўп йиллик дарахтзорлар, 292 гектари бўз ерлар, 691151 гектари яйлов ерлар, фуқароларнинг томорқа ерлари 58435 гектар, мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар 1319 гектар, ўрмонзорлар 29078 гектар, бутазорлар 20 гектар ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 267904 гектарни ташкил этади. Вилоят бўйича 343480 та томорқа ер участкаси бор оилалар мавжуд бўлиб, фойдаланаётган томорқа ерлари 63170 гектарни ташкил қилади [2]. Ҳозирги кунда жойларда аҳоли сонининг кўпайиши ҳисобига  қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш

Хулоса қилиб айтганда, 2021-2022 йил Ердан фойдаланиш мониторинги натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, Сурхондарё вилоятида ердан фойдаланиш талаб даражасида амалга оширилган. Салбий ҳолатларга йўл қўйилмаган ҳолатлар, бундан ташқари айрим фойдаланувчиларда тупрок

JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT
ISSN(Online): 2984-7095
SJIF Impact Factor | (2023): 5.664 |
Volume-7, Issue-10, Published | 20-10-2024 |

унумдорлиги пастлиги қишлоқ хўжалиги экинларининг нотўғри танланганлиги сабабли ерларда бўлган ўзгаришлар аниқланди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди 2022 й. 9б.

**2.** Сурхондарё вилоятида мавжуд ер фондининг тоифалари ва турлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги 2022 йил 1 январга бўлган ер ҳисоботига Ш А Р Ҳ

Х А Т И

**3.** Google.uz